
Янги интерактив хизмат

Янги интерактив хизмат Давлат статистика қўмитаси веб-сайтида иш бошлади.

Мамлакатимизда кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Сўнгги йилларда бу соҳадаги тизимли ислохотлар натижасида тадбиркорларни рўйхатдан ўтказиш жараёни 15 дақиқагача қисқартирилди, талаб этиладиган хужжатлар сони камайтирилиб, уларни онлайн расмийлаштириш имконияти яратилди. Бу эса пандемия даврида уйдан чиқмасдан тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш учун муносиб шароит яратилди.

2020 йил 1 сентябрь ҳолатига Ўзбекистон туманида 1675 та (дехқон ва фермер хўжаликларсиз) фаолият кўрсатаётган субъектдан 1374 таси кичик бизнес субъектини (82%) ташкил этади. Жорий йилинг ўтган саккиз ойи мобайнида туман бўйича 151 та кичик бизнес субъектлари рўйхатга олинди. Асосий фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг 463 таси (33,7%) саноат ва 432 таси савдо (31,4%) ва бошқа корхоналар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Тадбиркорликни бошлаш ва самарали йўлга қўйишнинг асоси, бу пухта ўтказилган маркетинг ўрганишлари ҳисобланади. Бозор конъюктураси ва ундаги иштирокчилар ҳақида маълумотларга эга бўлмай туриб бизнесда муваффақиятга эришиш имконияти деярли йўқ. Шунинг учун Президентимизнинг 2018 йил 18 июлдаги “Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юритиш” йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан, интернет тармоғи орқали юридик шахс тўғрисидаги асосий маълумотлардан эркин фойдаланиш имконияти яратилди.

Бугунги кунда давлат статистика қўмитасининг расмий веб-сайтида интернет орқали юридик шахс тўғрисидаги асосий маълумотлардан эркин фойдаланиш имконияти мавжуд. Бунда фойдаланувчи юридик шахслар солиқ тўловчининг идентификация рақамини (СТИР) киритиш йўли билан маълумотларни бепул олиш имкониятига эга бўлдилар. Унга корхонанинг номи, идентификация рақами, рўйхатга олинган санаси, ташкилий ҳуқуқий шакли, манзили, корхона раҳбари ва муассислар тўғрисидаги маълумотлар киради. Авваллари бу маълумотларни хат орқали амалга оширилиб, уни кўриб чиқишга бир неча кун кетган бўлса ҳозирги кунда онлайн режимда олишлари мумкин.

Рақамли иқтисодиёт ривожланиш жараёнида экан, маълумотларни олишда тезкорлик ва сифат ошишига бўлган талаб ҳам ортиб боради.

Давлат статистика қўмитаси бугунги кунда Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда корхона ва ташкилотлар маълумотлар базасини юритиш тизимини илғор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш лойиҳаси устида иш олиб бормоқда.

Бу ҳам, кўплаб янги имконият ва қулайликларни яратади, албатта.

О.АБДУЛЛАЕВ

Ўзбекистон туман статистика бўлими бошлиғи